



1926 йили Ўзбекистон давлат нашриёти Лолахон Сайфуллина-Арслонова деган номаълум адибанинг “Ўзбек хотин-кизлари турмушидан олинган сочма шеърлар” тўпламини нашрдан чикарди. “Ичкари” деб номланган ушбу тўплам адабий жамоатчиликда катта кизикиш уйготди. Бунинг боиси, ушбу тўпламга кирган кисса ва хикояларнинг Чўлпон томонидан таржима килиниб, уларнинг “сочма шеърлар” деб бахоланиши ва хатто адибага багишланган куйидаги шеърнинг тўпламга илова килиниши эди:

Лолалар дардини англаган Лола,  
Лолалар тилидан килибсан нола.  
Лолалар ноласи аччик бўлса хам,  
То калбдан келгувчи санчик бўлса хам,  
Тинглаб келган эди каркулок девор,  
Эркакнинг ўзидек у нўнок девор.  
Энди бу нолангни жахон тингласин,  
Дилларда бор эса виждон тингласин,  
Виждонга ишонган имон тингласин,  
Яъни у мухтарам Инсон тингласин.

Мен ҳам каламимни аламга солиб,  
Шеърий кувватимни каламга солиб,  
Нолангни калбимга кўчирдим, Лола,  
Эй лола тилидан килгувчи нола...

Бу самимий сатрлар 1925 йил 15 ноябр куни Москвада ёзилган. Тахмин қилиш мумкинки, Чўлпон шу куни таржимани ниҳоялаб, ўзбек хотин-қизларининг Лола Сайфуллина тасвиридаги мунгли ҳаёти лавҳаларидан таъсирлангани туфайли асар муаллифига бўлган ҳурматини шундай чўлпонона ҳаяжон билан ифодалаган. Машхур шоирнинг шу шеъри Лолахон Сайфуллинага бўлган қизиқишни янада қучайтириб юборди.

Ўзбек кино санъати тарихи 1924 йилда “Бухкино” ташкилотининг тузилиши билан бошланади. Шу йилиёк москвалик ва ленинградлик кино ходимлари иштирокида “Мусулмон қизи” номли илк ўзбек кинофилми суратга олиниб, ўша йилнинг 29 сентябрида экранга чиқарилади. Ўша йили “Ўлим минораси”, 1925-1926 йилларда эса “Пахтаорол”, “Бахт қуёши”, “Иккинчи хотин” ва “Равот кашкирлари” кинофилмлари майдонга келади. Агар айрим рол ижрочиларини инобатга олмасак, бу кинофилмларнинг ижодкорлари орасида миллий кадрлар йўқ ҳисоби эди. Шунинг учун ҳам “Иккинчи хотин” кинофилми сценарийсининг Лолахон Сайфуллина (Арслонова) билан В.Собберей томонидан ҳамкорликда ёзилганлиги “Ичкари”ни ўқиган китобхонлардаги Лолахонга бўлган қизиқишни ўн чандон орттириб юборди.

Хар бир жамятнинг илгорлик даражаси аёлларнинг шу жамят ҳаётидаги ўрни билан белгиланади. Қайси бир донишманд томонидан айтилган бу сўзлар 20-йиллар аввалидаёқ ижод ахлининг фикр-зикрини банд эта бошлади. Чўлпон ва Ҳамза сингари “кекса” авлод вакиллари ҳам, шу йилларда шеърият тулпорини жиловламокчи бўлган Ойбек ва Ҳамид Олимжон сингари ёш шоирлар ҳам ўз асарлари билан жамят эътиборини “тўрт девор” орасида яшаб келаётган хотин-қизлар мавзусига бежиз қаратмадилар. Зеро, тарихий давр хотин-қизлар тақдирида кескин ўзгариш юз беришини такозо этарди. Шунинг учун ўзбек киноси илк қадамларидан бошлаб диққат-эътиборини худди шу муаммога қаратди. “Мусулмон қизи”дан кейин “Иккинчи хотин” кинофилмининг яратилиши ҳам ижодкор зиёлиларнинг ўзбек хотин-қизлари тақдирида бурилиш яшаш орзуси билан бевосита боғлиқ. “Ичкари” тўпламидаги “Иккинчи хотин” ҳикояси асосида шу номдаги киносценарий ёзилиб, филм суратга олинади.

“Иккинчи хотин» филми ана шу муҳим ижтимоий-маиший мавзуга бағишланган. Л.Сайфуллина ўзбек ҳаётини, “ичкари”ни яхши билганлиги сабабли бу мавзунини “Мусулмон қизи” филмига қараганда анча ҳаққоний ва таъсирли ёритишга эришган. Филмдаги иккинчи хотин — Адолат ролини машхур рус раққосаси Майя Плисецкаянинг онаси Раиса Мессерер маҳорат билан ижро этган. Кези келганда айтиш жоизки, Москвадаги кинотехникумни тугатган ва “Андозиянинг кўзлари” филмида эпизодик ролни ижро этган актриса ўшанда Тошкентга икки ойлик қизи билан келган эди. Шу ўринда лирик чекиниш қилишга эҳтиёж тугилади.

1925 йилда “Ўзбекдавкино” ташкилоти тузилиб, унинг тасарруфидаги “Шарк юлдузи” кинофабрикаси Шайхонтахурдаги Эшонқули масжидига, “Кизил Ўзбекистон” кинотеатри эса Кўкалдош масжидига жойлашган. “Ўзбекфильм” киностудиясининг кекса операторларидан бири А.Саидов таникли киношунос Ханжара Абулқосимованинг илтимоси билан ёзилган хотираларида Кўкалдош масжидидаги киносенарларни бундай

тасвирлаган:

“Залда чойхона ишлар, ёпган нон ва турли-туман ширинликлар сотиларди.

Томошабинлар учта катта гурухга ажралиб ўтиришарди. Театрда бўлганидек, бу ерда ҳам ўзининг ”партер”и, ўзининг “амфитеатри” ва хатто “галёрка”си бўлган.

“Партер”дагилар ерга ёзилган гилам устида, “амфитеатр”дагилар скамейкаларда, “галёрка”дагилар эса узун оёкли катларда ўтиришарди. Сеансга чойхоначи кўмондонлик килар эди. У хохловчиларни нон-чай ва ширинликлар билан таъминлаб бўлгач, механикка ишора килар ва филм намойиши бошланарди. Аммо филмнинг ўрталари яқинлашганда намойиш бирдан тўхтарди. Механик билан келишиб кўйган чойхоначи чойнак-пиёлаларни йигиб олиб, яна бошкатдан таркатиб чиқар ва яна механикка ишора килганидан кейин филм намойиши давом этарди. Шундай килиб, хар бир сеанс бир неча маротаба бўлинарди. Одатда, филм мазмунини баён килиб берувчи таржимонлар хаммага овозлари эшитилиши учун аппарат олдига кўйилган махсус баланд ўтиргичларга ўтириб, бор овозлари билан кичкиришарди...”.

Дастлабки ўзбек филмлари ана шундай ибтидоий шароитда намойиш этилган. Шунга карамай, томошабинлар орасида у ёки бу кинофилмда тасвирланган воқеани тушунувчи, унда олга сурилган гоёни илғаб олувчи кишилар оз бўлмаган.

Мазкур филм томошабинлар ўртасида катта муваффақият қозонди. Бундан илхомланган Л.Сайфуллина “Соябон арава” киноқиссасини ёзади ва кинорежиссёр О.Фрелих раҳбарлигидаги ижодий гурух суратга олган киноасар 1928 йилнинг 31 январиди экранга йўлланма олади. Агар М.Доронин экранлаштирган “Иккинчи хотин”даги факат иккинчи даражали ролларни Ў.Мирзабоева, З.Йўлдошбоева, Ш.Маъзумова сингари ўзбек артистлари ижро этган бўлсалар, бу филмдаги бош ролларга Рустам Тўрахўжаев, Ойша Туманбоева, Раҳим Пирмухамедов, Наби Ганиев сингари дастлабки ўзбек кино артистлари жалб этилди. Филм гарчанд камбагал йигит билан кизнинг мухаббати тасвири билан бошланган бўлса-да, инкилобий давр воқеалари севги ва мухаббат мавзуини бошка ўзанга буриб юборган.

Ушбу филм рус кинематографчиларининг Шарк хақидаги киноасарларидан реалистик лавхалари ва гоёвийлиги билан канчалик фарқ килмасин, “Ўздавкино” томошабоп кинофилмлар яратиш зарурлигини сезиб, Л.Сайфуллинага француз адиби Ф.Дюшеннинг “Ўн тўрт кунлик ой” романи асосида киносценарий ёзишни топширади. Л.Сайфуллина француз офицерининг жазойирлик мохов кизга бўлган мухаббатини тасвирловчи асар воқеаларини ўтган аср бошларидаги Ўзбекистонга кўчириб, араб кизини Адолат (ўзбек кизи), мустамлакачи француз офицерини Коронин (рус йигити), деб атайди. “Мохов” филми воқеалари томошабинларда канчалик кизикиш уйготмасин, асар кинотанқидчилар назарида “Ўздавкино”га шон-шухрат олиб келмади.

Л.Сайфуллина Ўзбекистонда яшаган киска даврида нафакат кино, балки театр учун ҳам асар ёзишга улгурди. Унинг “Кон хам сув...” номли драмаси Москвадаги ўзбек драма студиясини тугатиб келган собик талабалар ижросида 1930 йили Самарканд театри сахнасида намойиш этилди. Афсуски, бу асар хақидаги хабар бизга Хамид Олимжоннинг 1930 йил 29 июл куни “Кизил Ўзбекистон” газетасида босилган такризи орқалигина етиб келган. Шунинг учун хам мазкур асар ҳақда етарли маълумотга эга эмасмиз. Аммо Хамид Олимжоннинг “Кон хам сув...” деб номланган такриздан шу нарса маълум бўладики, тўрт пардали бу асар ўша йиллардаги Ўзбекистон учун хаёт-мамот масалаларидан бири — сув муаммосига багишланган.

Хамид Олимжон ушбу такризида асар ва унинг муаллифи хақида бундай самимий

сўзларни ёзган:

“Ўқувчиларимизга “Лолахон дардини англаб” танилган Лолахон бугун сахнамиз саҳифаларида “Кон ҳам сув...” билан кўринадир. Ўзбекистон ҳаётини, бошқа кўшни жумҳуриятлар ёзувчиларига караганда, мукаммал ўрганган Лолахон ўзининг “Кон ҳам сув...” отли драмасида сув масаласини она чизиги килиб олади...”.

Такризчининг бу сўзларидан “Кон ҳам сув...” драмаси ўша даврда юртимиз кишлокларида кечган синфий кураш “манзаралари”ни ёритишга қаратилганлиги маълум бўлади. Ҳамид Олимжон гарчанд Лолахон Сайфуллинанинг бу сахна асарига илик муносабат билдирган бўлса-да, унинг давлат театри сахнасида қўйилмаганлиги “Кон ҳам сув...”нинг томошабинларга манзур бўлмаганидан дарак беради.

Адабий ижоди Шарк хотин-кизлари ҳаётдан олинган кисса ва хикоялар ёзиш билан бошланган Л.Сайфуллина 20-йилларда киносценарий жанрида ижод қилиш билангина қифояланиб қолмади. У “Ичкари”дан ташқари, “Қулаётган минора” ва “Лолалар чаман-чаман” деган романлар ҳам ёзган. Мутахассисларнинг фикрларига караганда, унинг бу асарлари ўша йилларда Ўзбекистонга келиб, ўзбек халқи ҳаётига мурожаат этган П.Скосирев сингари рус ёзувчиларига нисбатан миллий руҳни ёрқин ва ҳаққоний ифодалагани билан ажралади.

“Рус миллатига мансуб Сайфуллина, — деб ёзган эди адабиётшунос И.Я.Тёмкина, — муваффақият билан ўзини ўзбек адибаси сифатида намоён қилган. Бу мистификация фавқулдда катта кизиқиш уйғотди — Сайфуллинанинг китоби босмадан чиқиши биланок танқидчилар эътиборини ўзига жалб этиб, катта шухрат қозонди...”

Сайфуллинанинг романларида Ўзбекистоннинг “хужум” ва ер ислохоти давридаги ҳаётига бағишланган кенг ижтимоий полатнони яратишга уриниш эътиборга сазовор”. Агар адибанинг “Қулаётган минора” ва “Лолалар чаман-чаман” романларини варақласак, жамоалаштириш ва ер ислохоти давридаги кишлоқ ҳаёти манзаралари, ўзбек хотин-кизларининг шу даврдаги мураккаб ва машаққатли ҳаёти, янги ўзбек зиёлиларининг тугилиш жараёни кўз олдимизда ёрқин гавдалана бошлайди. Бу асарлар ўз даврида фақат танқидчилар эътиборини қозонибгина қолмай, Максим Горький каби машҳур ёзувчиларнинг ҳам назарига тушган. Чунончи, у атоқли француз адиби Ромен Ролланга йўллаган хатида бу ҳақда шундай сўзларни ёзган: “Ўзбек кизи Лолахон “Қулаётган минора” деган фавқулдда марокли романни ёзди – бу асарнинг яқинда 10 000 нусхада иккинчи нашри босилиб чиқди”.

Кўрамизки, юқорида исм-шарифи қайд этилган адабиётшунослардан бири Л.Сайфуллинанинг миллатини рус, “пролетар адабиётининг отаси” эса ўзбек, деб аташган. Модомики, адиба асарлари дастлаб Москва ва Ленинградда нашр этилган, Чўлпон эса бу асарлардан бирини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилган экан, уни ўзбек адабиётининг намояндаси, деб ҳисоблаш ўринли бўлмаса керак. Шундай экан, Л.Сайфуллина аслида ким бўлган?

20-йилларда нашр этилган “Кино” журналида “Ўздавкинода нима рўй бермокда?” деган мақола босилган. Ушбу мақола гарчанд “Ўздавкино” ташкилоти фаолиятидаги камчиликларни фош этишга қаратилган бўлса-да, мақола муаллифи Д.Малори танқид найзасини асосан Л.Сайфуллинага қаратган. Унинг фикрича, бу “Шарк адибаси” “Ўзбекдавлаткино” муассасасини тамомила эгаллаб олиб, бошқа сценарий муаллифларини мазкур корхонага яқинлаштирмай келади. Д.Малорининг бу мулоҳазасига караганда, Л.Сайфуллина шу йилларда “Ўзбекдавлаткино” муассасасида хизмат қилган.

Д. Малори адиба шаънига тош отишда давом этиб, яна бундай сўзларни ёзган: “Шубхасиз, миллий мавзуларда у ёки бу мамлакатнинг ерли ахолиси ёзганига нима етсин. Паранжисини ташлаган ва озод Шаркнинг киноёзувчиси бўлиб олган Лолахон Сайфуллина, сирасини айтганда, Шарк кизи эмас. У полшалик бўлиб, 1924 йилга қадар Лидия Осиповна Сивицкая, деб атаб келинган. У 1924 йили Мухаммад таълимотига мойиллик билдириб, мусулмонликни қабул қилган ва Шарқдаги хотин-қизлар ҳаракатига раҳбар бўлиб олган”.

Ўтган асрнинг 20-йилларида ўзбек маданиятига чакмоқдек кириб келган, Чўлпон сингари машҳур шоир ва ёзувчиларни мафтун қила олган Лолахон Сайфуллина 30-йилларнинг бошларида, қутилмаганда, гойиб бўлиб қолади. Унинг, иттифоқо, вафот этгани ҳам, бошқа бирор ўлкага кетиб қолгани ҳам ҳамон сир бўлиб қолмоқда.

Лолахон Сайфуллина қим бўлган? Унинг кейинги тақдири ҳақида Сизда бирор маълумот борми, ҳурматли мухлис?..

Наим Каримов